

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 4 январь, № 2 (5676)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 9 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 425-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг еттинчи ҳаттоқсидидаги** «монополияга қарши қонунлар» деган сўзлар «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг 1-бандидаги** «яккахоқимликка қарши қонунлар» деган сўзлар «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **41-модда** куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди»;

2) **66¹-модданинг биринчи қисмидаги** «185²-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)» деган сўзлар «180-моддасида (сохта банкротлик), 181-моддасида (банкротликни яшириш), 185²-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 189-моддасида (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **79-модда:** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 178 – 184, 185 – 185², 189 – 192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг каммида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишсиз **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **183-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**183-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**»

Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараварига миқдорда жарима ёки ун йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Давоми 2-бетда).

2013 йил ~ Обод турмуш йили



Ҳасан ПАЙДОНОВ билан сўраш.

ЮКСАК МАРРАЛАР ВА ФАРОВОНЛИК

бунёдкор ҳамда фидойи халқимизнинг бугуни ва келажагида мужассамдир

2013 йил — Обод турмуш йилини хуш кайфият билан қарши олдик. Бугун мамлакатимиз ахли эзгу ишлар остонасида турибди. Ана шу дамларда Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўлаган Янги йил табриги юртдошларимизни хайрли мақсадлар, юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Буни байрам шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда улардан тахририятимизга келаётган дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

Шукроналик туйғуси

Президентимизнинг Янги йил табригини диққат билан тингладик. Давлатимиз раҳбари унда 2012 йилни шукроналик туйғуси, мамнуният билан кузатишга тўла асосларимиз бор, деб барчамизнинг кўнглимиздаги гапни айтдилар.

Дарҳақиқат, поёнига етган йил биз, қишлоқ мулкдорлари учун ҳам баракали бўлди. Хўжалигимиз деҳқонлари пахта ва галла етиштиришда юксак муваффақиятларга эришдилар. Ўтган йили галла ҳосилдорлигини 80 центнерга етказдик. Бу ютуғимиз Юртбошимизнинг мамлакатимиз галлакорларига йўлаган табригида алоҳида эътироф этилгани бизга нафақат қувонч, балки катта ғайрат-шижоат бахш этди.

Халқимизда даромадга яраша буромад, деган гап бор. Ҳисоблаб кўрсак, хўжалигимизнинг йиллик соф даромади 200 миллион сўмдан ошибди. Насиб қилса, бу маблағни Обод турмуш йилида хўжалигимиз аъзолари турмушини янада фаровон қилишга сарфлаймиз.

Баҳоқирхон АҲМЕДОВ, Куйи Чирчиқ туманидаги «Акбархон-Баҳоқирхон» фермер хўжалиги раҳбари.

Ўтган йили мамлакатимизда кўплаб қувончли воқеалар рўй берди. Президентимизнинг Янги йил табригида таъкидланганидек, жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охириги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ютуқларимиз кўлами янада кенгайди

Бунинг самараси Фарғона вилоятда ҳам ўз аксини топди. Яъни ободлаштириш ва бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом эттирилди, янги корхона ва тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. Вилоятда ялли худудий мақсултоннинг ўсиш суръатлари 107,2 фоизга, саноат мақсулотлари ўсиши эса 106,2 фоизга етиши кутилмоқда. Бундай ютуқларни мустаҳкамлаш-

да Юртбошимиз томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида белгилаб берилган устувор вазифалар, янги гоё ва тақлифлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу асосда 2013 йилда муваффақиятларимиз кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

Мўминжон Йўлдошев, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати.

Янги ўйда меҳмон кутдик

Инсон орзу-умид билан яшайди. Ўз уйи, маҳалласи, юртини янада обод қилишни истайди. Президентимиз томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» дея эълон қилингани замирида ҳам айнан шу мақсад муҳассам.

Юртбошимизнинг Янги йил табригини ўқиб, бунга яна бир қарра иқдор бўлдим.

2012 йил мамлакатимиздаги жуда кўп оилалар қатори бизнинг ҳам орзуларимиз рўёбга чиқди. Шу йили кўп қаватли замонавий уйнинг икки хонали шинам хонадонига кўчиб кирдик. Бу ердаги шарт-шароитларга кишининг ҳаваси келади. Хонадоннинг ёш оилалар учун яратилган имтиёздан фойдаланиб, ипотека кредити асосида харид қилдик. Биргина биз эмас, балки кўплаб ҳамша-

ҳарларимиз вилоят марказининг янги қиёфа касб этган Боғуршоҳ кўчасида қад ростлаган 16 та кўп қаватли тураржойда уй тўйларини нишонлашди. Агар бунга шаҳарнинг бошқа даҳалари, шунингдек, туман марказлари ҳамда қишлоқларда қад ростлаган иморатларни ҳам қўшсак, аҳоли тураржой шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган хайрли ишлар салмоғи кўзга яққол ташланади.

Жаҳонгир ЎТБОСАРОВ, Наманган шаҳри

Амалий натижалар таҳлили

Тадбир

Миллий матбуот марказида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбаеванинг ахборотида мазкур дастур доирасида жамиятимизнинг энг муҳим бўғини бўлган оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилгани қайд этилди. Хусусан, жойларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини

юксалтириш мақсадида касаба уюшмалари ҳуқуқий маслаҳатхоналари орқали фуқароларга 2,5 мингдан ортиқ ҳуқуқий хизмат кўрсатилган. Тадбирда корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эъти-

роф этилди. Мисол учун, ана шундай оила вакилларининг қарийб 102,5 минг нафарга яқинига 6 млрд. 760 миллион ларида дам олишларини таъминлаш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш йўналишида амалга оширилган ишлар хусусида ҳам аҳолининг маълумот берилди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилиши тадбир ташкилотчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, Федерация томонидан аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари

ҳамда имконияти чекланган инсонларни бепул тиббий куриқдан ўтказиш ва уларнинг тизимдаги оромгоҳлар, сихатгоҳларда дам олишларини таъминлаш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш йўналишида амалга оширилган ишлар хусусида ҳам аҳолининг маълумот берилди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилиши тадбир ташкилотчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Зиёда АШУРОВА.

Бир рақам шарҳи

Яқунланган йилда мамлакатимизда аҳолининг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми

Банклардаги омонатлар ҳажми кўпаймоқда

34,6 фоизга кўпайди.

Бу кўрсаткичнинг ўзи ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганидан яққол далолат беради, албатта.

Янгиликлар, воқеалар

хабарлар

Самарқанд шаҳрида вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари, маҳалла оқсоқоллари, Маънавият тарғибот маркази шахар ва туман бўлимлари раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳам бурч, ҳам масъулият

Мазкур тадбирда 2012 йилда вилоятда барча соҳаларда эришилган муваффақиятлар хусусида сўз борди. Шунингдек, халқимизни юртимизда кечяётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан кенгрок таништириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, тўй-ҳашамларни ортқиқа дабдабазлик, исрофгарчиликсиз ўтказишда зиёлилар, маънавият тарғиботчилари ва жамоатчиликнинг фаол иштирокини янада қучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция дастури асосида

Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили инвестиция дастури доирасида 39 та мактаб, 3 та коллеж, 11 болалар спорт иншооти янгидан бунёд этилди ҳамда реконструкция қилинди.

Ушбу мақсадлар рўёби учун жами 64 миллиард сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Хусусан, Чимбой туманида 150 ўринга мўлжалланган болалар музика ва санъат мактабининг фойдаланишга топширилиши қорақалпоқ ёшлари учун Янги йил тўғриси бўлди. Бу ерда иқтидорли ёшларнинг жаҳон ва миллий музика сир-асрорларини ўрганишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Биз — бахтиёр болаларимиз!»

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчиликлари болалар жамғармаси томонидан Бўка шаҳридаги 15-ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйларида Янги йил байрамига бағишлаб «Биз — бахтиёр болаларимиз!» номи хайрия тадбирлари ўтказилди.

Унда жамғарма фаоллари, вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қатнашди.

Байрам тадбирларида Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, безатилган улкан арча атрофидаги сахналаштирилган томошалар мурғак қалбларга хушнудлик улашди.

Д. СОБИРОВА.

Байрам дастурхонига ширмой нонлар

Бойсун туманидаги «Маҳди Юсуф» хусусий корхонасида нон ва нон мақсулотлари тайёрлашга иختисослаштирилган янги технология линия ишга туширилди.

10 кишининг доимий бандлиги таъминланган мазкур лойиҳа рўёби учун банкнинг 113 миллион сўмлик кредити йўналтирилди. Илгор ва тежамкор технологиялар мақсулот таннархи арзонлиги ҳамда сифати юқорилигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Унутилмас лаҳзалар жозибаси

2012 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Йил бошидаги илк муваффақиятим — «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилиги бирлашмаси томонидан тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган грантни қўлга киритганим бўлди.

Сурур

Қолаверса, тиккан маҳсулотларим, хусусан, зардўз кашталар, уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак ва совғабоп буюмлар билан анъанавий «Базар-Арт» кўрғазмаси, «Қўли гулдир узбек аёлини...» тан-

ловларида иштирок этдим. Бундай тadbирлар биз, хунармандлар учун маҳсулотимизни намойиш қилиш мақсадида яратилган имкониятгина эмас, балки меҳнатимизга яраша рағбат ҳамдир. Шунинг

учун ҳам маҳсулотларимизнинг довриги бугун Хиндистон, Япония, Жанубий Корея, Янги Зеландия сингари давлатларга етиб борди.

Янги йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланишида катта ҳикмат бор. Демак, бу йил ҳам ўтган йилларда-

ги каби эзгу савий-харакатлар давом этади ва ҳар бир юртдошимиз эл-юрт фаровонлигига баҳолиқудрат хисса қўшади. «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир», деганларидек, мамлакат тараққиётига муносиб хисса қўшиш нияти билан яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайд.

Дилдора ҲАФИЗОВА,
хунарманд,
Бухоро вилояти

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ
ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ

давлат қўмитаси жамоаси

барча юртдошларимизни

Янги — 2013 йил

билан САМИМИЙ
муборакбод этади!

*Мамлакатимиз тараққиёти
йўлидаги бунёдкорлик ишларида
барчага омад ёр бўлсин.
Юртбошимиз томонидан
«Обод турмуш йили»
деб номланган маъмурий
ҳар бир ҳолатдаги тўлиқ-
ҳопиржамалик ва файзу
бароқат тилаймиз!*

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ ВО
«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ

жамоалари

азиз
ватандашларимизни
Янги — 2013 йил
билан
сизқилдан қутлайди!

*Янги йилда барчага осойишталик,
ишларига ривож, қордек оппоқ эзгу
ниятлари ҳамisha ижобат
бўлишини тилайди.*

*Дастурхонингизни қут-бароқат, қалбингизни
қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!*

«Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ
риэлторлик фаолиятининг барча
йўналишлари бўйича сифатли
хизмат кўрсатади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 228-84-48.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ип аралашган жунли денгиз тўлқини рангли эркаклар энгил курткалари, ип аралашган жунли денгиз тўлқини рангли эркаклар формали шимлари, денгиз тўлқини рангли энги узун кўйлақлар, денгиз тўлқини рангли энги калта кўйлақлар, оқ рангли энги узун кўйлақлар, оқ рангли энги калта кўйлақлар, «соя» рангли камуфляж ёзги костюм, «қум» рангли камуфляж ёзги костюм, формали эркаклар кўнжи калта хром ботинкалари, иссиқ тутадиган эркаклар ботинкалари, оддий таркиб хизматчилари учун кўнжи баланд ботинкалар хариди бўйича танлов ўтказилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Талабдорлардан танловда қатнашиш таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

Янги йил совғаси!

Янги
КЎК МАШИНАСИ
«HYUNDAI HD 260»
«HYUNDAI MOTOR COMPANY» (Жанубий Корея)

Омборхонадан 20% чеғирма!

Юк кўтариши — 18 тонна.
Двигатель қуввати — 340 от кучига эга (Евро-2).
Кузов габаритлари — 7000x2300x450.
Махсулот сертификатланган (№ 0721254).
Телефон: (+99899) 973-39-86.
Тел./факс: (+99871) 120-07-21, 120-07-23.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сўғали ота кўчаси, 3-уй.

ОБ-ҲАВО (4 январь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида -8 -13 -3 -8	Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида -5 -10 -2 +3	Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида -5 -10 -3 +2
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида -5 -10 -3 +2	Бухоро ва Навоий вилоятларида -5 -10 -3 +2	Тошкент шаҳрида -6 -7 0 -2

«Ўзвотойул» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси марказий ижро аппаратининг Автомобиль йўлларидаги фойдаланишни транспорт ва механизмни ҳамда техник таъминлаш бошқармаси бошлиғи **Вохид Норматович АБЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси телерадиоканал суҳандони Шухрат Раҳметжановга волидан муҳтарамаси **МАМЛАКАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси Сервис кафедраси муdiri, доцент Обиджон Ҳамидовга волидан муҳтарамаси **ШАРИФА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
томонидан стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарнинг тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ф-4010-сонли Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«Samarqand Aqua Line» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Фарғона вилояти, Куvasой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

«Hazorasp Ta'mir Qurilish» МЧЖ — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси.

«Mega-Beton» МЧЖ — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Санотчилар кўчаси, 1-«А» уй.

«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Корақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Мурожаат учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.
uzpsinvest@gmail.com psbinvest@gmail.com

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8768

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Ҳолматова.
Мусоҳхчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.45 Тошхирлиди — 21.00 1 2 3 4 5